

## ЁНУВЧИ ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҲОСИЛ БҮЛИШИ ВА САНОАТДАГИ АҲАМИЯТИ

Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич

Карши мұхандислик-иктисодиёт институти мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** Мақолада қаттық ёнувчи фойдали қазилмаларни ҳосил бўлиши ва кимё саноатида ишлатилиши ҳақида маълумот келтирилган. Бундай фойдали қазилмалар ҳосил бўлиш шароитига (генезисига) кўра-чўкинди, отқинди ва метаморфлашган тоғ жинслари билан боғлиқ.

**Калит сўзлар:** Ёнувчи фойдали қазилма, сланец, гумус, каустобиолит, торф, литология, геокимё, Бойсун, Ўртабулоқ, Актау

Ёнувчи фойдали қазилмалар дунё ёқилғи-энергетика баланси ҳисобланади. Каустобиолитлардан термик-кимёвий йўл билан ишлаб олинган 3500 дан ортиқ маҳсулотлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Торф ёнувчи фойдали қазилма сифатида юқори намлик, кам кислородли шароитда биокимёвий жараёнлар таъсирида ўсимликларнинг табиий чириши ва чала парчаланган қолдиқларининг тўпланишидан ҳосил бўлади (1-расм).

Чиринди (гумус) торфга қорамтири тус беради. Ҳужайра тўқималарини йўқотган майда ўсимлик тиканлари торфнинг парчаланиш даражасини аниқлайди. Шунинг учун торфни парчаланиши кучсиз (20%), ўртacha (20-35%) ва кучли (35% дан ортиқ) бўлади.

Торфнинг ботаник таркиби, пайдо бўлиш шароити ва хоссаларига қараб уч турга (юқори, ўрта, қўйи) бўлиш мумкин. Торфнинг физик-кимёвий таркиби унинг турига, даражасига қараб аниқланади.



1-расм. Торф

Унинг таркибида S-48-65%; O-25-45%; N-4,7-7%; айрим ҳолларда-2,5% га етади. Торфнинг ранги унинг турига, парчаланиш даражасига қараб-оч сариқдан тўқ жигар ранггача (юқори), кулранг-жигар рангдан сертупроқ қорагача ўзгаради.

Ёнувчи сланецлар мергелли, гилли, кремний таркибли чўкинди жинслардан таркиб топиб, унинг таркибида 10-50%, айрим ҳолларда 60% гача сингенетик йўл билан чўккан оргоноген моддалар иштирок этади. Улар жигар ранг, сариқ, кул ранг тусга ва варақсимон ёки яхлит текстурага эга. Айрим ҳолларда “ёнувчи сланец” атамаси каустобиолитларни англаади.

Улар ер остида кўмилиб қолган ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқларидан пайдо бўлган. Уларнинг қаттиқ навлари- торф, кўмир, сапропелитлар, суюқ навлари эса - нефть ва унинг ўзгаришидан пайдо бўлган асфальт, озокеритдир. Ёнувчи сланецдаги органик моддаларнинг дастлабки материаллари биомассадан, оддий сув ўтларидан, кам даражада олий ўсимлик ва кам ҳолда ҳайвонот организмларидан ҳосил бўлган. Ёнувчи сланецларнинг оргоноген моддалари таркибида юқори миқдорда водород (7-10%) нинг бўлиши, термик қайта ишлашда учувчи компонентларнинг кўп ажралиб (90% гача) чиқиши ва ёнганда юқори миқдорда иссиқлик чиқариши билан характерланади (2-расм).

Асосий минерал компонентлари: калцит, кварц, гили минераллар, кам миқдорда дала шпати, пирит, акцессор минераллар хисобланади..

Ёнувчи сланецлардан ёғ ва газ ҳайдашда, қаттиқ ёқилғи сифатида, сланецили смолалардан кимёвий хом-ашё ва унинг чиқиндиси-кулдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланилади.

Айрим ёнувчи сланец конларида юқори миқдорда мис, молибден, уран, қўрғошин, рух, ванадий учрайди. Улар маъдан хомашёси сифатида баҳоланади.



2-расм. Ёнувчи сланец

Республикамизда Бойсун, Ўртабулоқ, Сангрунтау, Актау, Учқир, Кульбешкак конларининг захиралари баҳоланган.

Ёнувчи сланецларнинг литологик-геокимёвий хусусиятларини, моддий таркибини, металлийлигини, уларнинг ажралиб турувчи хусусиятларини, технологик хоссаларини ўрганиш ва палеогеографик моделлаштириш истиқболли янги минерал ҳомашё ва ундан кимё саноатида, металлургия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, қурилиш саноатида фойдаланиш мумкинлигини аниқланган.

Кўмирга нисбатан паст номинал ёниш иссиқлигига қарамасдан у газсимон ёқилғининг барча афзаликларига эга. Газнинг юқори тезликда ёниши ( $1,6 \text{ м}^3/\text{с}$ ), ундан нафақат саноатда, балки қундалик турмуш истеъмоли учун (маҳсус тайёрлангандан сўнг) ҳам фойдаланиш имконини беради.

Газдан кимё саноатида фойдаланиш ҳозирги кунда жуда истиқболли, айниқса олтингугурт, аммиак ва метанолнинг танқислиги билан боғлиқлиги ҳамда синтетик ёқилғи олиниши билан муҳим.

## АДАБИЁТЛАР

1. First IIASA Conference on Energy Resources. M. Grenon ed. IIASA, Laxenburg, 1976.
2. Моделевский М.С., Гуревич Г.С., Хартуков Е.М. и др. Ресурсы нефти и газа и перспективы их освоения. М.: Недра, 1983.
3. Яраханова Д.Г. Ресурсы нетрадиционных углеводородов. Материалы Международной научно-практической конференции “Особенности разведки разработки месторождений нетрадиционных углеводородов”. Казань 2015.
4. Татьяна Морина. Сланцевая нефть США: история с продолжением. Финам, 13 мая 2015 года.
5. Грушевенко Е.В., Грушевенко Д.А. Сланцевая нефть: технологии, экономика, экология. ИНЭИ РАН, Экологический Вестник России. – 2013.
6. Морариу Д., Аверьянова О.Ю. Некоторые аспекты нефтеносности сланцев: понятийная база, возможности оценки и поиск технологий извлечения нефти. // Нефтегазовая геология. Теория и практика – 2013.– Т.8.– №1.